

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2019 йил 25 январь • № 3 (1232)

## Медицинские учреждения страны

### В САМАРКАНДЕ ВПЕРВЫЕ УСПЕШНО ПРОВЕДЕНА «ОТКРЫТАЯ» КАРДИОХИРУРГИЧЕСКАЯ ОПЕРАЦИЯ У 10 БОЛЬНЫХ ДЕТЕЙ

По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно шесть-десять младенцев из ста тысячи рождаются с врожденными пороками сердца. Поэтому среди актуальных задач, стоящих перед современной медициной, находится профилактика, раннее выявление и лечение данного заболевания у детей.

В нашей стране особое внимание уделяется внедрению в жизнь важных задач в этом направлении. На сегодня такие сложные хирургические практики, как при врожденных пороках сердца успешно осуществляются в оснащённом высокими медицинскими технологиями комплексе кардиохирургии Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии, клинике Ташкентского педиатрического медицинского института, а также в больницах Андижанской, Наманганской и Хорезмской областей.

Создание в 2018 году в Самаркандском областном детском многопрофильном медицинском центре отделения детской кардиохирургии увеличило количество подобных современных лечебниц еще на один. Данное учреждение оснащено современным медицинским оборудованием с помощью Министерства здравоохранения и областного хокимията. В частности, в клинике есть современный аппарат искусственного кровообращения, позволяющий проводить операции на основе требований мировых медицинских стандартов.

Еще одно достижение данной клиники – здесь собраны высококвалифицированные специалисты. Наряду с учеными и квалифицированными врачами нашей страны здесь трудятся три наших соотечественника, которые ранее работали в Научном

(Продолжение на 4-й стр.)



## Қарор ва ижро

### ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Инсоният учун энг катта бойлик, шубҳасиз бу – саломатликдир. Шундай хасталиклар борки, улар орқали ушбу бойликнинг қадрини англайсан, киши. Яна шундай хасталиклар мавжудки, уларга чалинган беморлар ушбу неъматдан бебаҳра қолдимми, дея хавотирга тушади. Бироқ, тиббиёт ходимлари бу фикрдан бутунлай йироқ. Яъни, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматларни янада яқинлаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқдаки, қолган масалалар ечимини белгилаб берилган вазифалар ижросининг қай даражада таъминланаётганлиги ва аҳолининг тиббий маданияти билан бевосита боғлаш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, халқимизга онкология йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, тизимда олиб борилаётган ислохотлар ва амалиётга татбиқ этилаётган янгилликлар хусусида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тилляшайхов билан суҳбатда бўлдик.

– Президентимизнинг Парламента қилган мурожаатида аҳолига онкологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги кўрсатмалари асосида ти-

зимда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Дарҳақиқат, айна пайтда бутун дунёда онкологик касалликлар сонининг ўсиб бориши баробарида табиийки, муаммонинг долзарблиги ҳам шу йўсинда ортиб бормоқда. Тасаввур қилинг, дунё бўйича ҳар йили 16 миллионга яқин онкологик касаллик аниқланади. Ўзбекистонда ҳам қарийб 100 мингга яқин (95 802) бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туради.

(Давоми 2-бетда).

### МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг барча соҳалар қаторида тиббиёт тизимига эътибор қаратаётганликлари, айниқса, соҳанинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон саломатлиги ва унинг муҳофазаси учун хизмат қилмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон тиббиёти дунё микёсида ўз ўрнини топди. Жумладан, замонавий тиббиёт муассасаларининг бунёд этилиши, юқори технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминланиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширди. Айниқса, етакчи клиникаларда, қолаверса, худудлар кесимида ҳам мураккаб операция жараёнлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Булардан трансплантация операцияларининг самарали амалга оширилганлигини, натижада бир қанча беморлар ҳаёти сақлаб қолинганлигини эътироф этиш лозим. Бу каби кўплаб ютуқларни тилга олишимиз мумкин. Шу билан бирга, самарали фаолиятлар қаторида тизимда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Таъкидлаш муҳимки, тиббиёт

дақиқа сайин янгилликлар, ўзгаришлар ҳамда сиру-синаотларга бой. Шундай экан, тизимда бўшлиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда соҳа ривожидида муаммолар юзага келади. Таҳлилий хулосаларга қараганда, тизимнинг айрим йўналишларида жиддий ёндашилмаганлиги оқибатида ижтимоий касалликлар кўрсаткичи ошганлигини кўриш мумкин. Бундай долзарб масалаларни бартараф этиш мақсадида давлатимиз раҳбари бежизга соҳанинг ҳар бир йўналиши учун фармон ва қарорлар қабул қилмадилар. Ушбу меъёрий ҳужжатларга албатта, тиббиётда кўп йиллик тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассислар томонидан ҳам тегишли таклифлар берилди. Сўнгги йилларда дунё микёсида аллергик касалликлар кўрсаткичининг

(Давоми 3-бетда).

## УШБУ СОНДА

5

### МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ — МУСТАҲКАМ СОҒЛИК

Шу билан бирга, муассасада ташкил қилинган “Аёллар маслаҳатхонаси” бўлими бошқа муассасалар фаолияти учун намуна вазифасини ўташи лозимлиги таъкидланди.

6

### ИЛМ ИЗЛАГАНГА ИМКОН БУ ДАРГОХ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби Сунатулло Фазлиев эришган муваффақиятларидан сира ҳам хаволанмай, бир он бўлса-да, изланишдан тўхтагани йўқ. Хусусан, айни дамда ҳам анор ўсимлигининг шифобахш хусусиятлари устида илмий иш олиб бормоқда.

8

### «МАҚСАДИМИЗ, ИБН СИНО МЕРОСИНИ ДУНЁГА КЕНГ НАМОЁН ЭТИШ»

Айни кунларда Ўзбекистоннинг Туркия, Миср ва Эрон давлатларидаги элчихоналар орқали ушбу чет эл мамлакатларининг кутубхоналарида сақланаётган бебаҳо Ибн Сино қўлёзмалари рўйхати тузилмоқда.